



АТБ «InFinBank»

«ТАСДИҚЛАНГАН»

АТБ «InFinBank»  
Кенгаши Раиси

А.Н. Ахмаджанов

Сана

(АТБ «InFinBank» Кенгашининг 2022 й. «12  
10 даги 69-сонли Баённомаси)

Рўйх. рак. ПК № 06 “ 12 ” 10 2022 й.

## ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ «INVEST FINANCE BANK»

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНинг  
АУДИТ ҚЎМИТАСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

ПК № 05

Мазкур хужжат АТБ «InFinBank» мулки хисобланади. Хужжатнинг мазмуни тўлиғича ёки қисман қайта ишлаб чиқилиши ёки Банк ҳодими бўлмаган учинчи шахсларга Раҳбариятнинг Сифат бўйича Вакили билан олдиндан келишмаган холда берилиши мумкин эмас. Ҳар кандай ўзгартишлар асл нусхага ва мазкур хужжатнинг назорат этиладиган нусхаларигагина киритилади

## Мундарижа

Ўзгартышларни рўйхатга олиш варағи .....	3
1. Умумий қоидалар .....	4
2. Ташкилий тузилмаси ва фаолияти .....	4
3. Вазифалар .....	4
4. Функциялар .....	5
5. Ҳуқук ва жавобгарлик .....	5
6. Қўмита раисининг ваколатлари .....	6
7. Қўмита йигилиши ва қарор қабул қилиш тартибда .....	7
8. Ўзаро муносабатлар (хизмат алокалари) .....	7
9. Фаолиятни назорат қилиш .....	8
10. Сақлаш .....	8
11. Хулоса .....	8
12. Тарқатиш .....	9

2-сөнли таҳрир Таасиқланган: 21/02/2022 21/02/2027 гача амалда 10 сахифадан иборат

## Үзгартышларни рўйхатга олиш вараги

Ўзгариш рақами	Ўзгариш мазмуни	Тасдиқланган	Амалга киритилган	Хужжатни бошқариш учун масъул шахснинг имзоси

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига 2021 йил 7 майда 3302-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги ва 2020 йил 30 июня 3254-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низомларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси худудида банк ва аудиторлик фаолиятини мувофиқлаштирувчи хужжатларга ҳамда АТБ “InFinBank” (кейинги матнларда - “Банк” деб юритилади) Уставига, АТБ “InFinBank” Кузатув кенгаши (кейинги матнларда – “Кенгаш” деб юритилади) Низомларига ва бошқа тегишли ички тартибларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Низом Банк Кенгаши таркибида тузилган Аудит Қўмитаси томонидан Банк фаолияти устидан назоратни амалга ошириш ҳамда Аудит Қўмитаси (кейинги ўринларда “Қўмита” деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

1.3. Қўмита Банк Кенгаши таркибидаги маҳсус қўмита бўлиб, Кенгаш маъсулият юклаган йўналишлар бўйича фаолият олиб боради ва ҳисбот беради. Яқуний жавобгарликни Кенгаш ўз зиммасига олади.

## 2. ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ ВА ФАОЛИЯТИ

2.1. Қўмита банк Банк кенгашининг қарори билан яратилган тузилма бўлиб, Ички аудит департаментини самарали қўллаб-куватлаш орқали назорат ролини бажаришда ёрдам беради. Қўмита қарорлари тавсиявий характерга эга бўлиб, бевосита Кенгаш муҳокамаси учун тақдим этилади;

2.2. Қўмитанинг кўпчилик аъзолари банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг кенгашдаги аъзолиги мустасно. Аудит қўмитасининг раиси кенгаш раиси бўлмаслиги лозим;

2.3. Қўмита раиси ва аъзолари Кенгаш томонидан тайинланади;

2.4. Қўмита камида битта аъзоси аудит, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот бўйича камида 5 йиллик тажрибага эга бўлиши керак;

2.5. Қўмита мустақил йиғилишлар ўтказади ва Кенгаш йиғилишларида ўз фаолияти тўғрисида ҳисбот беради;

2.6. Қўмита йиғилишлари заруратга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади;

2.7. Қўмита йиғилиши Кенгаш қарори ёки Ички аудит департаменти раҳбари ташаббуси билан чақирилиши мумкин;

2.8. Қўмита йиғилиши барча аъзоларнинг кворуми мавжуд бўлганда ва Ички аудит департаменти директори иштирокида ўтказилади;

2.9. Қўмита йиғилишларини ташкил этиш ва натижаларини қайд этиш Ички аудит департаменти директори томонидан амалга оширилади;

2.10. Қўмита Ички аудит департаменти ва Банк Бошқарувидан Банк фаолияти тўғрисида даврий ахборот-маълумотларни ҳамда ёзма ҳисботларни олади;

2.11. Қўмита томонидан қабул қилинган қарорлар билан Банк Бошқаруви аъзолари танишиш хукуқига эга.

## 3. ВАЗИФАЛАР

3.1. Қўмитанинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

3.1.1. молиявий ҳисбот ҳамда ички аудит сиёсати ва тартиб-тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш жараённида иштирок этиш;

3.1.2. назораттага оид, молиявий ва бошқа ҳисботларнинг тақдим этилишини, тўлиқлигини, ишонччилигини назорат қилиш;

3.1.3. ўз ваколати доирасидаги масалалар юзасидан кенгаш йигилишлариға маълумотлар тайёрлаш ва кенгашга ҳисоботлар тақдим этиш;

3.1.4. банкнинг ички ва ташқи аудиторлар билан ўзаро алоқасини назорат қилиб бориш;

3.1.5. ички аудит департаменти раҳбарини тайинлаш (лавозимидан озод қилиш) масаласини кўриб чиқиб, кенгашга таклиф киритиш;

3.1.6. ички аудит департаментининг чораклик ҳисоботларини ўрганиб чиқиш ва кенгашга тақдим этиш;

3.1.7. банкнинг ички назорат тизими ва ички аудити фаолияти самарадорлиги ва монандлигини таъминлаш учун уларни баҳолаш, ички аудит текширувлари режаси ва уларнинг даврийлигини кўриб чиқиш, ички аудит хизмати раҳбари ўз вазифа ва мажбуриятларини қай даражада амалга ошираётганлигини баҳолашда иштирок этиш ва ўз фикрларини билдириш;

3.1.8. ҳар чоракда камида бир марта ички аудит хизмати раҳбари билан учрашув ўтказиб, ички аудит хизмати фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилиш;

3.1.9. Ички аудит департаменти раҳбари билан биргаликда даврий равишида (йилда камида бир марта) ички аудит департаментининг ҳар бир ходимини унинг ахборотни танлаш, текширув ўтказиш ва хулосаларни тайёрлаш салоҳиятидан келиб чиқиб касбий маҳорат даражасини баҳолаб бориш

3.1.10. ташқи аудитор таклифларини баҳолашда кенгашга амалий ёрдам бериш, ташқи аудиторни танлашда кенгашга тавсиялар тайёрлаш;

3.1.11. ташқи аудиторларнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ микдори ва у билан шартнома тузилиши (бекор қилиниши) тўғрисида кенгашга таклифлар киритиш;

3.1.12. ташқи аудиторлар учун техник вазифаларни ишлаб чиқишида кенгашга амалий ёрдам бериш;

3.1.13. ички ва ташқи аудит ҳисоботларини қабул қилиб олиш ҳамда уларда ва бошқа назоратни амалга оширувчи бўлинмалар томонидан аниқланган қонунчилик хужжатлари, банкнинг сиёсалари ва ички хужжатларига номувофиқликлар ва камчиликларни банк бошқаруви томонидан ўз вақтида бартараф этилишини назорат қилиш;

3.1.14. ташқи аудиторлик ҳисбот ва хулосаларни кўриб чиқиш ва уларни кенгашга тақдим этиш;

3.1.15. ташқи аудиторлар фаолияти қониқарсиз деб баҳоланган тақдирда, уларни ўзгартириш юзасидан кенгашга тавсиялар бериш;

3.1.16. банк фаолиятининг шаффоғлиги ва маълумотларнинг ошкор қилиниши етарли даражада ва аниқ эканлигини кўриб чиқиш;

3.1.17. ўз фаолияти тўғрисида ҳисбот тайёрлаш;

3.1.18. кенгаш томонидан юклатилган бошқа вазифаларни бажариш.

#### 4. ФУНКЦИЯЛАР

4.1. Кўмитанинг асосий функциялари қуидагилардан иборат:

4.1.1. Банк Бошқарув раиси билан Ички аудит департаменти ва Ташқи аудиторларнинг тавсияларини бажариш жараёнини бошқариш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

4.1.2. ташқи ва Ички аудит жараёнда аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, аудиторлар тавсияларининг бажарилишини Банк Бошқаруви устидан назорат қилиш;

4.1.3. Ички аудит департаментининг мустақиллигини таъминлаш мақсадида Бошқарув аъзолари ва банк бўлинмаларининг бошқа раҳбарлари Ички аудит департаменти фаолиятига, шунингдек, назорат ишларининг мазмуни ва ҳажмига аралashiшига йўл қўймаслик;

4.1.4. банкда юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликлар бўйича маълумотларни ўзаро алмашиш, шунингдек, таваккалчиликларни бошқариш тизимиға ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш бўйича чораларни кўриш мақсадида таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси билан самарали ҳамкорликни йўлга кўйиш.

5.1. Қўмита аъзолари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

5.1.1. Қўмита йигилишида шахсан иштирок этиш, йигилишда муҳокама қилинган масала юзасидан регламентда белгиланган муддатда сўзлаш;

5.1.2. банкнинг ички аудит департаментининг фаолият натижалари, уни ривожлантириш режалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

5.1.3. банк ички аудит департаментининг самарадорлигини мониторинг қилиш ва кўриб чиқиш;

5.1.4. банкнинг молиявий ҳисбот жараёни ва унинг МХҲС мувофиқлигини назорат қилиш молиявий кўрсаткичлари билан боғлик ҳар қандай расмий эълонларини мониторинг қилиш ҳамда молиявий ҳисбот таркибидаги муҳим молиявий ҳисбот қарорларини кўриб чиқиш;

5.2. Қўмита аъзолари ахборотнинг сақланиши ва маҳфийлиги учун жавобгардирлар;

5.3. Қўмита ўз фаолияти натижалари учун Кенгаш олдида жавобгардир.

## 6. ҚЎМИТА РАИСИННИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

6.1. Қўмитани бошқариш ва унинг фаолиятини ташкил этиш банкка алоқадор бўлмаган шахслар орасидан сайланган Қўмита раиси томонидан амалга оширилади.

6.2. Қўмита раиси йўклигига унинг вазифаларини Қўмита раисининг ўринbosари бажаради. Қўмита раисининг ўринbosари Қўмита аъзолари томонидан улар орасидан сайланган Қўмита аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

6.3. Қўмита раиси:

а) Қўмита йигилишларини ташкиллаштиради ва уларга раислик қиласди;

б) йигилишни ўтказиш шаклини белгилайди ва Қўмита йигилишларининг кун тартибини тасдиқлайди;

в) Қўмитанинг йигилишида қатнашиш учун таклиф қилинган шахслар рўйхатини белгилайди;

г) Зарурат бўлганда, Банкнинг мансабдор шахслари ва/ёки ходимларининг Қўмита йигилишига таклиф этиши;

д) Қўмита йигилишларида масалалар муҳокамасини ташкил қиласди, шунингдек йигилишда қатнашиш учун таклиф қилинган шахсларнинг фикрларини тинглайди;

е) зарурият туғилганда Бошқарув ва Кенгаш, шунингдек бошқа таркибий бўлинмалар билан доимий алоқада бўлади;

ж) Кенгаш, Кенгашнинг бошқа қўмиталари, Бошқарув, ташқи ва ички аудиторлар ҳамда бошқа бўлинмалар билан ўзаро алоқада бўлганда Қўмита номидан иш тутади;

з) Кенгашга Қўмита томонидан ишлаб чиқилган барча тавсиялар ва таклифларни тасдиқлаш учун тақдим этади;

и) Қўмита номидан расмий ёзишмаларни олиб боради, Қўмита номидан сўровлар, хатлар ва хужжатларга имзо чекади;

к) Қўмита аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

л) Қўмита қарорлари ва иш режаларининг бажарилишини назорат қиласди;

м) Қўмита фаолияти давомида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги, Банк Низоми ва ички меъёрий хужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлайди;

н) Қўмита раиси Қўмитанинг навбатдан ташқари йигилишини чақириш тўғрисидаги сўровда келтирилган масалаларни Қўмитанинг навбатдаги режалаштирилган йигилиши кун тартибига киритиш ваколатига эга;

о) Ички аудит департаменти томонидан Банк Бошқарувига тайёрланган билдиргилар, мурожаатномаларни имзолаш ваколатига эга;

п) Ўзбекистон Республикаси конунчилигида, Банкнинг низомида ва ички меъёрий хужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни бажаради.

## 7. ҚҮМИТА ЙИГИЛИШИ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Қүмита йигилишлари Низомда (навбатдан ташқари йигилишларда) назарда тутилган ҳолларда құмита раиси томонидан ташкиллаштирилади.

7.2. Йигилишлар Кенгаш, Қүмита раиси, шунингдек Қүмитанинг ҳар бир аъзолари, ҳамда ички аудит департаменти рахбари ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

7.3. Қүмита йигилишини ташкиллаштиришда Қүмита раиси йигилиш санасини, вақтини, жойини ва шаклинни, кун тартибини, шунингдек Қүмитанинг учрашувида иштирок этиш учун таклиф қилинган шахсларнинг рўйхатини белгилайди.

7.4. Қүмитанинг навбатдан ташқари йигилишлари қўйидаги ҳолларда ўтказилади:

а) Кенгаш йигилиши тўғрисидаги Банкнинг Корпоратив маслаҳатчисидан олинган хабарномага мувофиқ, унинг кун тартибига Қүмита ваколатига киритилган масалалар бўлса;

б) Қүмита раиси ташаббуси билан;

в) Кенгаш қарори билан ёки қўмита қарори билан;

г) Кенгаш раиси, қўмита аъзоси, Марказий Банк ва/ёки банкнинг ташки аудиторининг талабига кўра.

7.5. Қўмита йигилишини чақириш тўғрисидаги сўров ушбу сўровни юборган шахс томонидан имзоланиши керак. Шу билан бирга, барча қўшимчалар билан қўмита йигилишини чақириш тўғрисидаги сўров нусхаси банкнинг Корпоратив электрон почтасидан юборилади.

7.6. Қўмита раисининг қўмитанинг навбатдан ташқари йигилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори қўйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

- қўмита йигилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала Низомда назарда тутилган қўмита ваколатига кирмаса;

- қўмитанинг навбатдан ташқари йигилишини чақириш тўғрисидаги сўровда келтирилган масала, юкоридаги сўров қабул қилинишидан олдин қабул қилинган Қўмита раисининг қарорига мувофиқ чакирилган навбатдаги йигилиш кун тартибига киритилган бўлса.

7.7. Қўмита йигилишлари Қўмита аъзоларининг биргаликдаги иштироки шаклида (шахсан ёки онлайн видео алоқа орқали) ёки йигилиш кун тартибидаги масалалар бўйича (сиртдан қатнашиш) сиртдан овоз бериш шаклида ўтказилиши мумкин.

7.8. Қўмита йигилишлари масоффадан туриб замонавий конференция мулокот каналлари ва видеоконференциялар ёрдамида, шунингдек билдиришномалар, кун тартибидаги масалалар бўйича материаллар юбориш учун ўтказилиши мумкин, ушбу мақсадлар учун алоқа дастури таъминотлардан фойдаланиши мумкин.

7.9. Қўмита йигилишларининг якуни натижалари бўйича қўмита аъзоларининг биргаликдаги кўпчилик овози билан қарор қабул қилинади.

7.10. Қўмита томонида қабул қилинган тегишли қарорларни расмийлаштириш, ҳамда ижро этилиши юзасидан назоратни Қўмитанинг котиби томонидан амалга оширилади. Ички аудит департаментининг рахбари Қўмита котиби вазифасини бажаради.

## 8. ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР (ХИЗМАТ АЛОҚАЛАРИ)

8.1. Қўмита банк Бошқаруви, Кенгashi, шунингдек, Ички аудит департаменти билан яқин алоқада фаолият юритади.

8.2. Қўмита Ички аудит департаменти томонидан тақдим этилган аудиторлик назорат ва хисоботларининг умумлаштирилган материалларини кўриб чиқади.

8.3. Банк Бошқаруви ва бошқа тегишли қўмита қарорлари билан танишиши мумкин.

8.4. Бошқа бўлинмалар билан алоқалар заруратга қараб белгиланган тартибда кўрилади.

## 9. ФАОЛИЯТНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

9.1. Құмита фаолиятими, амалдаги барча қонунчилік ҳамда ички тартиб талабларига мувофиқлігінің бағыттарынан үшінші орындағанда оширилады:

- құмита бевосита Кенгашга бүйсінади ҳамда фаолиятининг барча йўналишлари устидан тизимли назоратни Кенгаш амалга оширади.

## 10. САҚЛАШ

10.1. Мазкур сиёсати ва тартиб-таомиллар асл нусхаси Банкнинг Юридик департаменти Методология бўлимида ПК № 05 рақам билан сақланади. Ушбу хужжатнинг \*.pdf форматидаги электрон нусхаси фойдаланиш учун умумий серверда сақланади. \*.docx форматидаги электрон нусхаси ишлаб чиқувчида ва Юридик департаменти Методология бўлимида сақланади.

## 11. ХУЛОСА

11.1. Мазкур Низом банк Кенгashi томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган кундан бошлаб қочга киради.

2-сонли таҳрир Таасиқланган: 2/10/2022 11/10/2027 гача амалда 10 саҳифадан иборат

### 11. ТАРҚАТИШ

Хужжатни бўлинмаларга тарқатиш рўйхати		Тўлдирилган сана « <u>10</u> » <u>10</u> <u>20<u>22</u></u> йил
ПК № <u>05</u>	Таҳрир № 2	Кучга кирган сана: « <u>10</u> » <u>10</u> <u>20<u>22</u></u> йил
Тарқатишга мўлжалланган хужжат номи		АУДИТ ҚҮМИТАСИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМ
<b>№</b>		<b>Хужжат тарқатилиши мўлжалланган масъул ходимлар бўлинмаси номи</b>
1		
2		
3		
4		
5		
Ишлаб чиқувчи имзоси		Методология бўлим бошлиғи имзоси

### 12. ТАНИШИБ ЧИҚИШНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВАРАҚАСИ

№ т/р	Ф.И.Ш.	Танишдим	
		сана	имзо
1			
2			
3			
4			
5			
6			
7			
8			
9			
10			
11			
12			
13			
14			

2-сонли таҳрир Таасиқланган: 21/10/2022

11/10/2027 гача амалда

10 саҳифадан иборат

## КЕЛИШИЛГАН:

**З.С. Абдуллаев**

Ф.И.О.

ИМЗО

«12» 10

2022 г.

**С.Х. Хасанов**

Ф.И.О.

ИМЗО

«12» 10

2022 г.

**Б.Х. Нуъмонов**

Ф.И.О.

ИМЗО

«12» 10

2022 г..

**Ш.Н. Махмудов**

Ф.И.О.

ИМЗО

«12» 10

2022 г..

## ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

**Ички аудит департамент****директори**

Лавозими

**А.У. Режаматов**

Ф.И.Ш.

ИМЗО

Сана

## Хужжатнинг амал қилиш мурдати:

2022 й. «12» 10 дан 2027й. «11» 10 гача

20 \_\_\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_ гача узайтирилган

-сонли нусха  
Тарқатиш санаси: 2022 й. «\_\_»Амал қилиш мурдати тугаганидан кейинги  
холати \_\_\_\_\_(хужжатни тарқатиш вақтида хужжатни  
бошқариш учун масъул шахснинг асл  
имзоси)

Сана

Хужжатни бошқариш учун масъул шахснинг имзоси

## **ЮРИДИК ХУЛОСА**

Юридик Департамент томонидан «Чет эл капитали иштирокидаги «INVEST FINANCE BANK» акциядорлик-тижорат банкининг аудит қўмитаси тўғрисидаги низом» лойиҳасининг ҳуқукий экспертизаси ўтказилди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Марказий банкнинг тижоратбанкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблари тўғрисида Низом» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг рўйхатдан ўтказилишини 05.04.2000 йил 916 - сонли талаблари) нинг талабларига жавоб беради.

**Юридик Департаменти Дириектори в.б.**

**Ж.М. Атамирзаев**